

«31» 05 2022 йил

Урганч шаҳар

ЧП URGENCH SMART TECH SERVICE кейинги ўринларда «Хизмат кўрсатувчи» деб юритиладиган, раҳбари Н.Ражапов бир томондан, Янгибозор туман Ёшлар дафтари жамғармаси кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Уз Р ВМ қарорлари асосида иш кўрувчи, раҳбари Ж. Халметов иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздилар.

1. Шартнома предмети.

1. «Хизмат кўрсатувчи» қуйидаги тасниф буйича (ёки иловадаги спецификация буйича) хизмат кўрсатишни ўз вақтида бажариш, «Буюртмачи» эса қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади :

№	Хизмат кўрсатиш тури	Ўлчов бирлиги	Мик дори	Бахоси	Умумий суммаси
1	Лойиха-смета ҳужжатлар асосида тунги ёритиш чироклари тизимини ўрнатиш	хизмат	1	143600000	143600000
	Жами :				143600000

Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда тўланади.

1.1 Бажарилган ишларнинг шартномавий бахоси ўзгариши томонлар келишуви орқали амалга оширилади.

1.2 Шартноманинг умумий суммаси 143600000 (Бир юз қирк уч миллион олти юз минг) сўм

1.3 Хисоб-китоб шакли пул утказиш йули билан амалга оширилади.

1.4 Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий бахоси далолатнома ёки хисоб-фактура орқали амалга оширилади.

2. Иш бажариш вақти ва шarti.

2.1 Иш бажариш «Хизмат кўрсатувчи» томонидан «Буюртмачи» нинг топшириқлари орқали амалга оширилади.

2.2 «Буюртмачи» «Хизмат кўрсатувчи» нинг ҳисоб рақамига шартномада курсатилган хизматлар умумий суммасининг 30 фоизини олдиндан 5 банк иш кунида утказишни уз зиммасига олади. Қолган 70% ни хизмат тулик бажарилгандан кейин утказишни уз зиммасига олади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1 Буюртмачига хизмат кўрсатиш аванс пули утказилгандан кейин 5 кундан кечиктирмай 100% бажариш керак. Хизмат кўрсатиш кечиктирилса «Хизмат кўрсатувчи», «Буюртмачи» га ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

3.2 Буюртмачи томонидан, иш бажарилгандан сўнг шартнома суммасининг колган қисми 5 кундан кечиктирмай 100% утказиб берилиши керак. Буюртмачи томонидан пул утказиб бериш кечиктирилса, "Буюртмачи" "Хизмат кўрсатувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди.

4. Баҳс ва келишмовчилик масалаларини ечиш

4.1 Ушбу шартнома бўйича ёки шартномага тегишли баҳс ва келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда улар узаро муросага кела олишмаса Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида Хужалик судлари орқали ечилиши мумкин.

5. Форс-мажор тасодифлари руй берганда масалалар ечими.

5.1 Форс-мажор тасодифлари руй берганда шартнома тузувчи томонлар шартнома шартларини бажара олмай қолсалар бунинг учун маъсулиятли эмаслар. Форс-мажор шарт-шароитлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида аниқланади.

5.2 Форс-мажор шароити вужудга келганда шартнома шартини шартнома тугашига тахминан 30 кун қолгандаги вақтгача даврга иккинчи томон ёзма равишда форс-мажор шароитларидан огоҳлантириши шарт. Огоҳлантириш ҳақида келтирилган далиллар ҳукуматнинг тегишли идоралари томонидан тасдиқланиши шарт.

5.3 Шартнома шартларини бутунлай ёки қисман бажариш мумкин бўлмаса шароит 3 ойдан кўпроқ даврга узайса, томонлар қуриладиган зарарларни тулаш маъсулиятини ўз зиммаларидан тушириб, шартномани бутунлай ва қисман бажариш мажбуриятларидан озод қилинадилар.

6. Умумий шартлар.

6.1 Шартнома икки нусхада тузилади ва газначилик бўлинмалари томонидан руйхатга олинган кундан бошлаб бир хил кучга эга бўлади.

6.2 Шартнома 31.05 2022 йилдан 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

6.3 Шартномага қиритиладиган ҳар бир қушимча ўзгаришлар фақат ёзма равишда қонуний шаклда тулдирилиб томонлар келишувига асосан ҳал қилинади.

6.4 Бозор иқтисоди шароитида баҳолар узаро келишилган ҳолда ўзгариши мумкин.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТУЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

« ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ »

Х/К "URGENCH SMART TECH SERVICE"

(етказиб берувчи номи)

Адрес : Урганч шаҳар Бухоро кўчаси 17-уй

Тел./факс 93 754 45 45

Х/р : 2020 8000 5051 3600 0001

Банк : Урганч ш, Чет эл капитали иштирокидаги

"НАМКОРБАНК" АТБ Хоразм минтақавий филиали

МФО : 01161 ИНН 306808934

ОКОНХ :



Раҳбар.

[Signature]

Н.Раҳсанов

Хуқуқшунос:

[Signature] 3. Маттеев

« БУЮРТМАЧИ »

Янгибозор туман Ёшлар дафтари
жамғармаси

(етказиб берувчи номи)

Адрес : Янгибозор шаҳарча Навбахор кўча 1 уй

Тел./факс : 41 - 94 - 255

Шхр: 305022860332367109601018001

ИНН 201085807 ОКОНХ 97600

МВЯгона Газначилиги х/р23402000300100001010

МФО 00014 МБ Тошкент ХККМ

ИНН 201122919



Раҳбар.

[Signature]

Ж. Халметов

М. Ў

« 31 » 05 2022 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Янгибозор тумани ҳокимининг
биринчи ўринбосари,
Васийлик кенгаши раиси,



Ж.Халметов

“10” 05 2022 йил

“Ёшлар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгаши йиғилиш

БАЁНИ № 13

2022 йил 10 май

Янгибозор тумани

Раислик қилувчи:

Ж.Халметов - туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Васийлик кенгаши раиси

Иштирок этдилар:

Васийлик кенгаши аъзолари (*рўйхат бўйича*),
туман молия бўлими бошлиғи в.в.б , туман
“Ободонлаштириш” бошқармаси бошлиғи.

КУН ТАРТИБИ:

I. Янгибозор тумани маданий “Истирохат” боғида “Тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш” ишларини молиялаштириш тўғрисида.

*(Ж.Халметов, И.Қаландаров, Ф.Рўзметова, Г.Эгамберганова, Р.Нуруллаев,
Р.Атабоев, У.Атажанов)*

Янгибозор туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Васийлик кенгаши раиси Ж.Халметов йиғилишни очик деб эълон қилиб, кун тартибидаги масала юзасидан туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи У. Атажанов сўзга чиқиб, 2021 йилда Янгибозор туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмасига асосан туман марказидаги “Истирохат” боғини тунги ёритиш чироклари билан безатиш ишлари амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бошланғич лойиха-смета ҳужжатлари тайёрланиб, молиялаштириш ишлари учун туман молия бўлимига тақдим қилинганлигини, лекин айрим сабабларга кўра молиялаштиришнинг имкони бўлмай қолгани тўғрисида маълумот берди.

Шундан сўнг кун тартибидаги масала юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари, Васийлик кенгаши раиси ўринбосари И.Қаландаров сўзга чиқиб, туман марказидаги “Истирохат” боғини тунги ёритиш чироклари билан безатиш ишлари боғнинг кўркига кўрк қўшиб, дам олувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратилишини инобатга олиб, ушбу лойиха-сметага киритилган ишларни молиялаштириш ишларини “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишни таклиф қилди.

Туман молия бўлими бошлиғи в.в.б. Р. Нуруллаев сўзга чиқиб, И. Қаландаровнинг таклифини маъқуллаб, туман “Ободонлаштириш” бошқармаси буюртмасига асосан тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларига “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКдан йиғма эксперт хулосасини олиб туман ҳокимлигига тақдим қилишларини таклиф қилди.

Юқоридаги масала бўйича келтирилган таклифлар Васийлик кенгаши йиғилишининг бошқа қатнашчилари томонидан ҳам бир овоздан маъқулланиб, умумий йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари, Васийлик кенгаши раиси ўринбосари И.Қаландаров ва Туман молия бўлими бошлиғи в.в.б. Р. Нуруллаевларнинг таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Янгибозор туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмасига асосан туман марказидаги “Истирохат” боғини тунги ёритиш чироклари билан безатиш ишлари учун тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларида ҳисобланган 143 745 952 сўм пул маблағлари “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилсин.
3. Туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи У. Атажановга тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларига “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКдан йиғма эксперт хулосасини олиб туман ҳокимлигига тақдим қилиш топширилсин.
4. Туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси И.Салаевга туман марказидаги “Истирохат” боғини тунги ёритиш чироклари билан безатиш ишларини “Ёшлар дафтари” жамғармаси номидан давлат харидларининг “энг яхши таклиф” турига жойлаштириш топширилсин.
5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари, Васийлик кенгаши раиси ўринбосари И.Қаландаров зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби




Г.Эгамберганова

Йиғилиш қатнашчилари:




И. Қаландаров




Ф. Рўзметова



Г. Эгамберганова



Р. Нуруллаев



У. Атажанов